

Огоҳлик ҳар дам, ҳар қадамда

2021 йил 16 апрель куни соат 18:00да 3-Талабалар турар жойида яшовчи“Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультети талабалари учун Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИО ФМБ ТЭҚКБ катта тезкор вакиллари майор Матякубов Шухрат Умидович, майор Умрқулов Ўткир Юсуфжонович ҳамда “СХТЭ ва Б” декани ўринбосари Ж.Турдиев, талабалар кенгаши раиси Ж.Сайдахмедовлар иштирокида. “Диний экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари ҳамда зарарлари” тўғрисида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбати давомида мутахассислар томонидан Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг тарқалаётган ҳар хил норасмий диний сайтлар ва уларнинг фаолиятлари хусусида, шунингдек, диний оқимларларга кўр-кўрона эргашаётган ёшларни кейинги тақдири ва ҳолатлари тўғрисида ҳаётий мисоллар орқали тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб бордилар.



Ижтимоий тармоқлардан фойдаланганда эҳтиёткорликка эътибор қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги хусусида фикр алмашилди. Давра суҳбати давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар ва жараёнлар тўғрисида мутахассислардан керакли жавобларни олдилар. Бу каби учрашувларни мунтазам ташкил этиб бориш бўйича мутахассислар билан келишиб олинди.

**“СХТЭ ва Б” факультети декани ўринбосари Ж.Турдиев ахбороти
ТИҚХММИ матбуот хизмати**